

UDK 595. 132 (575.151)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ НЕМАТОДАЛАРИНИНГ ФАУНАСИНИ ЎРГАНИШ

Д.К. Жуманиёзова б.ф.ф.д., (PhD) Қишлоқ хўжалик вазирлиги хузуридаги
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Марказий фитосанитария
лабораторияси фитогельминтолог jumaniyozova1983@mail.ru

И.И.Мадаминов етакчи мутахассис фитогельминтолог Қишлоқ хўжалик
вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Марказий
фитосанитария лабораторияси ikromjonmadaminov7@gmail.com

Н.Х.Сулаймонова Тошкент давлат аграр университети

Abstract. *In this article, it has been indicated the result of studying the differences in species diversity, ecological groups and quantity of nematodes distributed in the root and peri-root soils of agricultural crops (wheat, corn, alfalfa, mung bean and melon), it was observed that nematodes are most common in the root and peri-root soils of mung bean, wheat, corn and relatively few species were found in melon, and the fewest species were found in alfalfa.*

Key words: *plant nematode, bacteriotrophs, polytrophs, mycohelminths, predators, true parasites.*

Ҳозирги вақтда фитонематодалар билан қишлоқ хўжалиги экинларининг зарарланиши натижасида турли хил мамлакатларда ҳар йили ҳосилдорликнинг ўртача 25–70 % гача пасайиши кузатилади. Айниқса, дунё бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг умумий нобудгарчилигининг 14% паразит нематодаларнинг улушига тўғри келиб, тахминан йилига қарийб 100 млрд. долларни ташкил қилмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалик экинларини паразит нематодалар билан зарарланишининг олдини олиш ва қарши кураш чораларини самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга [1, 4].

Республикамизда асосий қишлоқ хўжалик экинлари майдонларининг кенгайишига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, асосий экинлардан бири бўлган буғдой, маккажўхори, беда, мош, ва қавун майдонлари кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари нематодаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалик экинлари нематодаларининг фаунасини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот материали Сирдарё вилояти Ховос тумани Чамбил массив “Чамбил нур диёри” фермер хўжалиги(буғдой), Хамза массив “Кадрият” фермер хўжалиги (мош), Фарход массив “Фарход” фермер хўжалиги (маккажўхори), Туркистон массив “Туркистон Буюк Юрт қизи” фермер хўжалиги (қовун) ва Ховособод массив “Ховос Келажак” фермер хўжалиги(беда) ўсимликларидан олинди.

Намуналар буғдой, маккажўхори, беда, мош, ва қавун экилган майдонларнинг бешта нуқтасидан илдиз ва илдиз атрофи тупроқларидан умум қабул қилинган усул бўйича олинди [2.].

Йиғилган тупроқ намуналаридан фитонематодалар Берман воронкали усул ёрдамида ажратилди ва нематодаларнинг глицерин-желатинли доимий препаратлари тайёрланди [3.].

Тадқиқот натижалари. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалик экинларида 2 та кенжа синф, 7 та туркум, 20 та оила, 25 та авлодга мансуб 40 тур нематодалар аниқланди. Нематода вакиллариининг сон жиҳатдан энг кўп учраган Rhabditida туркуми (513инд.,38,7%),кам учрагантуркумлар Plectida (12 инд.,1%), Eporplida (2инд., 0,2 %) туркумларига мансуб нематода вакиллариининг сони бирмунча кам бўлиб, айрим ҳолларда битта нусхада қайд этилган. Тадқиқотлар давомида локал тупроқлардаги нематода жамоалари орасидаги фарқланишларни кўрсатиш мақсадида турлар эколого-трофик гуруҳларга бирлаштирилди [1.].

Қишлоқ хўжалик экинлари илдиз ва илдиз атрофи тупроқларда аниқланган фитонематодалар экологик гуруҳларга қуйидагича тақсимланди: бактериотрофлар-18 тур 625та (топилган барча нематодаларнинг46%), политрофлар-6 тур 97та, микогельминтлар-4 тур 261 та, йирткичлар-2 тур 29 та, касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар-4 тур 141 та, ҳақиқий паразитлар - 6 тур 184 тани ташкил этди [5.].

Тадқиқотларимиз давомида қишлоқ хўжалик экинлари – беда, мош, буғдой, маккажўхори, қовун илдизи ва илдиз олди тупроғида аниқланган нематодалар турлар таркиби ва индивидлар сони массивлар ва ўсимликлар кесимида таҳлил қилинганда, нематодалар сифат ва миқдор кўрсаткичлари жиҳатидан бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилиши кузатилди [4.].

Демак, Ховос тумани турли қишлоқ хўжалик экинлари нематодаларининг фаунаси тур таркибини ўрганиш натижасида, мош илдиз ва илдиз атрофи тупроқларида нематодалар энг кўп учради, буғдой, маккажўхори ва қовун мошга нисбатан кам турлар учради, бедада энг кам тур аниқланди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик экинларида агротехник тадбирларни қўллаш, узоқ муддатда бир хил экинларни етиштириш, тупроқ хусусияти ва бошқа сабаблар билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Галаган Т.А., Белявская Л.О. Опасные нематоды для растениеводстве Украина // Agro ONE. – 2017. – № 11. – С. 333-338.
2. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. - Ленинград: Наука, 1971. - Т. II. - 522 с.
3. Мавлянов О.М. Фитонематоды хлопковых агроценозов (вопросы таксономии, экологии, зоогеографии и меры борьбы): автореф. дисс. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1993. - 28 с.
4. Hodda, M. Phylum Nematoda Cobb 1932 // Zootaxa. – 2011. – Vol. 3148. – P. 63-95.
5. Chitwood D.J. Research on plant-parasitic nematode biology conducted by the United States Department of Agriculture // Agricultural Research Service. Pest Manage. Sci. V. 59. 2003. – P. 748-753.